

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11402868>

Шарапова Машхура Азадовна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
доценти

Мухторов Ильхом Авазжон ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
талаабаси

Аннотация: Уибу мақолада Ўзбекистонда раҷамли иқтисодиёт шароитида давлат харидлатини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан ривожланган давлатларда давлат харидлари тўғрисида статистик маълумотлар келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: давлат захиралари, инвестиция, молиявий ресурслар, ҳудудий бюджетлар

Ҳар бир мамлакат молиявий тузилмасида давлат харидлари тизимининг мавжуд бўлишининг объектив асослари сифатида юклатилган функциялар ва ваколатларнинг давлат томонидан бажарилиши ҳисобланади. Давлат харидлари воситасидан мамлакатлар ушбу ўзига юклатилган стратегик ва долзарб вазифаларни ҳал қилишда кенг фойдланишади. Жумладан, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш, айниқса молиявий-иқтисодий инқирозлари даврида мамлакат фуқаролари олдидаги мажбуриятларни бажариш, миллий хавфсизлик ва қонунийликни мустаҳкамлаш, йирик инфратузилма лойиҳаларини ривожлантириш, инновацияларни жорий этиш ва молиявий қўллаб-қувватлаш, давлат захираларини яратиш ва уларни сақлаш, давлат аппарати фаолиятини таъминлаш кабиларни амалга оширишда давлат харидлари самарали ҳисобланади.

Ҳар йили Европа иттифоқидаги 250 000 дан ортиқ давлат органлари товарлар (хизматлар, ишлар ва материаллар)ни сотиб олишга мамлакат ЯИМнинг 14 фоизини (йилига тахминан 2 трлн. евро) сарфлайди. Жумладан, энергетика, транспорт, чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини бошқариш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш, таълим хизматларини кўрсатиш каби кўплаб устувор соҳаларда давлат органлари асосий харидорлар сифатида

давлат харидлари жараёнида иштирок этади. Давлат сектори харидлардан иш ўринлари, иқтисодий ўсишни таъминлаш, инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш ҳамда инновацион, ресурслар ва энергия тежамкор ҳамда ижтимоий инклюзив бўлган иқтисодиётни яратиш учун фойдаланади. Давлат хизматларининг юқори сифати замонавий, яхши бошқариладиган ва самарали харидларга боғлиқ эканлигига алоҳида ҳамият берилади. Давлат харидларини такомиллаштириш катта тежамкорлик олиб келиши мумкин. Бу борада, экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, давлат харидлари соҳасида самарадорликнинг 1 %га ошиши ҳам йилига 20 млрд. еврони тежаш имконини беради¹. Давлат харидлари бўйича йирик ҳукумат буюртмалар тоифасига Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD) – Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлардан АҚШ, Япония, Канада ва Ғарбий Европанинг етакчи давлатларида амалга оширилади. 2023 йилда мазкур халқаро ташкилотга аъзо ривожланган мамлакатлардаги давлат харидлари улуши жаҳон иқтисодиётидаги давлат харидлари учун сарфланган молиявий ресурслар айланмасининг 85,7 фоизини ва давлат буюртмаларининг ЯИМдаги улуши 11, 7 фоизни ташкил этди. Бунда мамлакатлар ЯИМда давлат харидларининг улуши Буюк Британияда 14,4 фоиз, Германияда 13,5 фоиз, Францияда 10,4 фоиз, Швецияда 14,6 фоиздан иборат бўлди².

Бу борада, давлат буюртмасини амалга ошириш, қайси мамлакатда ва қайси жойда бўлишидан қатъи назар, бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан:

- давлат харидлари давлат ёки ҳудудий бюджетлар, солик ва бошқа турдаги даромадлар ҳисобидан шаклланадиган маҳсус давлат ва бюджетдан ташқари жамғармалар, шу жумладан, юридик ва жисмоний шахсларга пуллик хизматлар кўрсатиш бўйича давлат идоралари фаолиятидан тушадиган

1 Европа иттифоқи комиссиясининг давлат харидлари соҳасига оид таҳлилий маълумотлари. https://single-market-economy.ec.europa.eu/single-market/public-procurement_en

2 Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг давлат харидларини амалга ошириш таҳлилларига оид маълумотлари. <https://www.oecd.org/gov/public-procurement/publications/>

маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

- товарларни (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасида давлат буюртмаларини жойлаштириш, қоида тариқасида, давлат томонидан махсус ташкил этилган савдолар ёки савдолар асосида амалга оширилади;

- давлат харидлари тизими давлат буюртмачилари ва давлат буюртмалари соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни бузганлик учун буюртмаларни жойлаштириш иштирокчиларининг моддий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик мавжуд.

Ўзбекистонда давлат харидларини ташкил этиш ва амалга оширишнинг амалдаги механизмига мувофиқ қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жумладан, давлат харидларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари мазкур фаолиятни амалга оширишда бир қатор тамойилларга амалга қилиш лозимлигини талаб этади. Ушбу тамойиллар жумласига қуидагиларни киритиш ўринлидир:

- давлат харидларини амалга оширишнинг аниқ механизмининг белгиланганлиги;
- давлат харидлари соҳасидаги касбий маҳорат ва масъулиятлилик;
- давлат харидлари амалга оширишда қонунийликка асосланганликнинг устуворлиги;
- давлат харидлари жараёнида буюртмачилар томонидан молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ҳамда самарадорлигининг таъминланганлиги;
- давлат харидлари жараёнининг очиқлиги ва амалга ошириш механизмининг шаффофлиги;
- давлат харидларини ташкил этишда рақобат ва холисликнинг таъминланганлиги;
- харидларни амалга оширишда объект ва субъектлар иштирокининг мутаносиблиги;
- давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги;

- давлат харидларини амалга оширишда коррупция ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига йўл қўймасликнинг аҳамиятлилиги.

1-жадвал

Давлат харидларининг асосий принциплари³

Давлат харидларини амалга ошириш принциплари	Асосий тавсифи
Касбий маҳорат ва масъулиятлилик принципи	Давлат буюртмачиси, давлат харидлари электрон тизимининг оператори, ихтиослашган ташкилот масбул шахсларининг касбий маҳорати тегиши бўлинмалар ходимларни нисбатан соҳа бўйича маълумоти бўлиши, малакасини мунтазам равишда ошириши, боскичма-боскич амалий тажрибага эга бўлиб бориши ва касбий фаoliyati ўтгрисидаги талабларни белгилаш йўли билан таъминланади.
Асосланганлик принципи	Давлат харидлари давлат буюртмачисининг ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишини таъминлайдиган ҳақиқий талаблари ва эҳтиёjlарини самарали қаноатлантириш учун давлат харидларини ўтказининг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги, товарни (ишни, хизматни) ташлашнинг, унинг истеъмол хусусиятлари (тавсифи), сифат кўrsatkiчlarinini ва қийматининг асосланганлиги хисобга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.
Молиявий маблағлардан фойдаланишининг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги принципи	Давлат харидлари: давлат буюртмачисининг давлат харидларини ўтказиш харажатларини ва товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қийматини хисобга олиш; давлат харидлари учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, товарларни (ишларни, хизматларни) олишдан кўрилган наф, уларнинг сифати ва қиймати ўтасидаги мақбул нисбатни (фойдаланиш даври харажатларини хисобга олган ҳолда) таъминлаш; давлат харидларини мақбул муддатлarda ўтказиш имконини берадиган оқилона ва тежамкор усулда амалга оширилиши керак.
Очиқлик ва шаффоффлик принципи	Тегишли давлат органларига, давлат харидларининг субъектларига ва жамоатчиликка давлат харидлари тўгрисидаги ахборотдан конунчиликда белгиланган тартибда тўлик, ўз вактида, эркин ва бепул фойдаланиш имкониятини таъминлаган ҳолда уни маҳсус ахборот порталига жойлаштириш; ҳарид килиши тартиб-таомилларига доир хужжатларни ва хисоботларни тузиш ҳамда бут сақлашни таъминлаш орқали амалга оширилади.
Рақобат ва холислик принципи	Давлат харидларидаги рақобат ҳарид килиши тартиб-таомилларига иштирокчилари ўтасидаги, давлат харидлари электрон тизимларининг операторлари ўтасидаги ва ихтиослашган ташкилотлар ўтасидаги тортишув, ҳарид килиши тартиб-таомилларига иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиша ҳамда холис ва асосли мезонлар асосида эни мақбул таклиф фойдасига якунни карор қабул килишда беғаразлик ва шаффоффлик механизmlariдан фойдаланиш хисобидан кўллаб-куvvatланади.
Мутаносиблик принципи	Давлат харидларини амалга ошириш усулининг товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳаф-хатарига, қийматига, хусусиятига ва мураккаблигига; талабларнинг ҳарид килиши тартиб-таомилларига иштирокчилари малакасига оид маълумотларга, таклифларни баҳолаш мезонлари ва усулларнинг товарларга (ишларга, хизматларга); давлат харидлари субъектларининг ҳукуклари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги уларнинг ўз вазифаларига мослиги билан таъминланади.
Давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги принципи	Давлат харидлари мақсадлар, принциплар ва ёндашувларнинг ягоналигига, давлат харидлари жараёни барча боскичларининг яхлитлиги ва ўзаро алокадорлигига ҳамда барча субъектларининг ҳамкорлигига асосланади.
Коррупцияга йўл кўймаслик принципи	Ҳарид килиши тартиб-таомилларини ташкил этиши ва ўтказишга доир талаблар давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид ўзуккубузарликларга йўл кўймаслиги керак. Бунда коррупциянинг олдини олишига қаратилган чора-тадбирлар устувор бўлади.

Юқоридаги тамойилларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, давлат харидлари амалга ошириш, ушбу фаолиятни ташкил этиш жараёнидаги тамойиллар давлат харидлари механизмини амалга ошириш жараёнининг барча боскичларида қўлланилиши лозимлигини англаатади. Давлат харидларини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятларидан бири – харидларни амалга оширишнинг ягона тизимли механизмининг белгилаганлигидир.

Юқорида қайд этилган таҳлиллардан англаш мумкинки, мамлакатимиз ва ривожланаётган давлатларида харидлар ҳажмининг доимий ошиб бораётганлиги, бир жиҳатдан, жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви, молиявий ресурслар борасидаги рақобатнинг тобора кучайиб бораётганлиги, шу билан

³ Манба: Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўгрисида”ги Конуни. <https://lex.uz/docs/5382974>

бир қаторда давлатлараро ҳамда минтақалараро иқтисодий алоқаларнинг интеграцион хусусиятининг касб этиши билан боғлиқ бўлса, бошқа жиҳатдан давлат институтларининг молиявий муносабатлардаги ўрнини ва иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳаракатлардаги аҳамиятини ошишигига хизмат қилмоқда. Давлат харидлари тизимидан фойдаланган ҳолда улар бозорда тенг ҳуқуқли хўжалик юритувчи субъектларга ва рақобатлашув жараёнининг иштирокчиларига айланиб бормоқда. Шу билан бирга, харидларни ташкил этишдаги давлат буюртмалари соҳаси, уни ривожлантириш учун амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан ушбу жараён такомиллашувга эҳтиёж сезмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5382974>
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. // Ўзбекистон Республикаси қонуни. ЎРҚ-360-сон. 26.12.2013.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й. №52-И-сон.
3. Европа иттифоқи комиссиясининг давлат харидлари соҳасига оид таҳлилий маълумотлари. https://single-market-economy.ec.europa.eu/single-market/public-procurement_en
4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг 3.06.2023 йилдаги 122-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тўғрисида вақтингачалик Низом»